



АФЛОТУН ВА УНИНГ ШОГИРДИ

Афлотун ҳақим жуда зўр, тажрибали табиб бўлиб, бир қанча шогирдлари бор экан. Одамлар ундан жуда миннатдор эканлар, чунки у бирор касални даволашда, аввал касалликнинг нозик сирларини сабабларини аниқлаб олар, кейин унга турлитуман дори-дармонларни тавсия қилар экан. Ҳеч қачон у даволашда шошмашошарликка йўл қўймас ва буни шогирдларига ҳам тайинлар экан. Шунинг учун унинг шогирдлари ҳам ўз замоналарининг машҳур алломалари бўлиб етишишган экан.

Бир куни Афлотуннинг энг сеvimли ва ҳамма шогирдлари орасида энг истеъдодлиси мағрурланиб:

— Мен кўпинча даволаш ва дори тайёрлашда устозга нисбатан кўпроқ нарса биламан,— деб Афлотун йўқлигида бошқа шогирдларига мақтанибди.— Афлотун қариб қолди. Куч-қувватдан кетди ва

унинг фикрлаш қобилияти пасайди. Оғир касалларни даволашда у кўпинча ожизлик қиляпти.

Бу гапни бошқа шогирдлар устознинг қулоғига етказишибди. Устоз шу шогирдини қаттиқ яхши кўргани ва ниҳоятда ҳурмат қилгани учун уларга шундай жавоб берибди:

— Рост айтади, унинг мияси ёшлиги учун яхши ишлайди. Шунинг учун фикри равондир.

Шунга қарамай бўлак шогирдлари бу шогирд ҳақида турли гапларни топиб келиб, унга айтишаркан. Шунда Афлотун ё уни мақтар, ёки жим ўтириб эшитаркан. Лекин у нобакор шогирд ҳаддидан ошиб густохлик қилаверибди. Иш шу даражага етибдики, бир куни ўша шогирд подшоҳ саройига бориб, ўзини Афлотундан кўра устунлигини расман эълон қилибди. Саройдагилар уни ҳовридан туширишга ва устознинг шогирдга нисбатан тутган мажбуриятини тушунтиришга ҳаракат қилибдилар. Лекин у гурур отига миниб олиб, Афлотун ва унинг шогирдларининг хатолари, ўзининг ютуқларини серфаҳмлиги ҳақида тинмай гапираверибди.

Иттифоқо шу пайтда саройга кириб келаётган Афлотун шогирдини кўриб, қадамини секинлатибди, лекин шогирди айтаётган ҳамма заҳарли гапларни эшитибди. Хаёл билан саройга кириб борибди. Шогирд устозининг кириб келаётганини кўриб ҳам, заррача бўлса-да, хижолат чекмабди. У қайтага тилига батгарроқ эрк бериб, гапини давом эттираверибди. Мажлисида ўтирганлар Афлотунга қараб:

— Муҳтарам жаноб, бу тўғрида қандай фикрдасиз?— деб сўрашибди.

Афлотун ўзининг одатига биноан сукут сақлабди, зеро Афлотун бу гапларнинг ҳаммаси шогирднинг хомлигидан эканлигини билиб-кўриб турар экан ва ўзи ғоятда етук аллома бўлганлиги учун ёшларнинг хатосини кўрса ҳам кўрмасликка оларкан. Ҳозир ҳам шогирдининг бу густохлигига индамай тураверибди, авваламбор у Афлотуннинг шогирдининг шогирди бўлиб, иккинчидан унга жуда кўп меҳнати сарф бўлган экан. Шунинг учун фикри тегуш, кенг пешонали шогирдининг кўпчилик олдида шохи синиб қолишидан қўрқар экан.

Аммо мажлис аҳлидан ҳар бирининг ўз мақсади бор бўлиб, улар хоҳ устоз бўлсин, хоҳ шогирд, иккаловидан бирининг энгилишини, таҳқирланишини истар эканлар. Улар суҳбатни яхшилик билан тугатиш ўрнига Афлотундан жавоб беришни ва ўзини ҳимоя қилишни талаб қила бошлабдилар. Шундай қилиб, устоз ва шогирд ўртасида савол-жавоб бошланибди. Бу савол-жавобнинг охири кўринмабди. Шунда мажлис аҳли: «Устоз ва шогирд ҳунарларини амалда кўрсатиб, лаёқатларини, қувватларини ва илмий ютуқларини намоиш қилсинлар. Аввал шогирд маҳоратини кўрсатиб, заҳар тайёрласин ва уни ичши учун Афлотунга берсин, кейин Афлотун заҳар тайёрлаб, шогирдига ичирсин», деб қарор қилишибди. Мажлис аҳли ана ўшанда қайси бирининг энг хавfli ва ўткирроқ заҳар тайёрлаганини кўрмоқчи бўлишибди. Мажлис шу билан тугаб, шогирд эртасига заҳар тайёрлаб келадиган ва Афлотун ичадиган бўлибди...

Шогирд ишнинг оқибатини ўйламай ҳовлиқиб уйига келибди. У устозини мағлубиятга учратиш ва уни йўқотиб, ўрнига ўзи бошлиқ бўлиш учун устози неча марталаб унга ўргатган турли-туман дори ва заҳарли гиёҳлардан одам бир қултум ичса ўлдирадиган заҳар тайёрлашга киришиб кетибди. Тонгга яқин заҳарни тайёрлаб, тезда мажлис аҳли ҳузурига олиб борибди ва «заҳар тайёр» деб эълон қилибди.

Афлотун тажрибали одам бўлгани учун шогирдининг инсонийлик йўлидан ташқари чиққанини яхши биларкан, шунинг учун заҳар таъсирини кесиш мақсадида ҳар эҳтимолга қарши уйдаги хизматкорларига катта бир хум топиб, сут билан тўлатиб қўйишни буюрибди. Хизматкорлар Афлотуннинг айтганини бажо келтиришибди ва Афлотун кўнгли тинчиб, мажлисга равона бўлибди. У мажлисга кириб келиб, жамики аъёнлару мажлис аъзолари ўзини кутиб ўтирганларини кўрибди. Улар устоз ва шогирд ўртасидаги илмий жангнинг қандай фожиа билан тугашини сабрсизлик билан кутишаётган экан. Мажлис қатнашчиларининг ўр-

тасига Афлотун келишидан олдинроқ усти мато билан ёпилган идиш қўйилган экан.

Афлотун таъзим қилиб, жойига ўтирибди, аммо усти ёпиқ қадаҳга эътибор ҳам бერмабди. Лекин мажлис аҳлининг баъзилари овозларини барала кўтариб, баъзилари эса ўзаро шивирлашиб, кечаги гапни қўзғаб, ишора билан заҳар солинган қадаҳни кўрсатибдилар. Афлотун бу ўйинни давом эттиришдан ўзга чорани кўрмагач, ўрнидан туриб, қадаҳ турган ерга яқин бориб ўтирибди ва ҳозир бўлганларнинг рухсати билан қадаҳни бир кўтаришда бўшатибди. Кейин бошини сал эгиб таъзим қилибди-да, мажлисдан чиқиб, тўғри уйига кетибди. У уйига келибди-ю, дарров ечиниб, сут тўлатилган хумга тушибди. Ҳамма шогирдлари унинг атрофида жам бўлишиб, устозимизнинг ҳоли не кечаркин, деб кузатиб туришибди. Устозлари эса бўйнигача сутга ботиб, сут тўлдирилган хумда ўтираверибди. Икки-уч соатлар вақт ўтгач, устоз соғ-саломат хумдан чиқиб, шогирдлари билан хушмуомалада бўлиб, тўғри мажлисга йўл олибди.

Мажлис аҳли Афлотуннинг ўлими ҳақида ана хабар келади, мана хабар келади, деб кутиб ўтирган эканлар, лекин қўққисдан қарасалар, Афлотуннинг ўзи соғ-саломат мажлисга кириб келаётганмиш. Афлотуннинг шогирди бундан бир неча дақиқа олдин, атрофидагиларга ўзи тайёрлаган заҳарнинг кучи ва ўткирлиги ҳақида изоҳ бериб ўтирган экан, устозини кўриб таажжубдан тили лол бўлиб қолибди...

Афлотун ҳам виқор билан ўз жойига келиб ўтирибди. Томошабинлар «Афлотун бу жангда ютиб чиқди, энди заҳар тайёрлаш навбати унга келди ва албатта, мажлисга ўзининг ҳунари ҳамда садоқатини кўрсатиши керак», деб ўзаро гапириб ўтиришар экан. Устоз бундай қараса, дўсту душман баробар уни қийин-қистовга олишмоқда.

Шунда у дебди:

— Дўстлар! Мен тайёрлайдиган заҳар бир кунда етилиб тайёр бўлмайди. Лекин мен ҳали ҳам азиз шогирдим нима деркин деб кутяпман. Агар мажлис аҳлининг мақсади мени имтиҳон қилиш бўлса, мана мен саломат қолдим, шу билан улар-

нинг истакларини қондирган бўлсам керак, яъни шогирдим тайёрлаган ва умид қилган заҳар менга таъсир қилмади ва у ўйлаган мақсадига етиша олмади. Бу шуни кўрсатадики, менинг шогирдим ҳали хом, устоз бўла олганича йўқ, ана шу нарса унинг мағлубиятига сабаб бўлди. Менинг учун у мағлубиятини тан оладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ.

Устоз ҳали гапини тугатганича йўқ эканки, шогирди унинг сўзини бўлиб, қаҳр билан дебди:

— Муҳтарам устоз! Ўзингиз биласиз, ўйналган ўйин ё ютилиши керак, ё ютқазилиши. Шояд устоз тайёрлаган заҳар ҳам менга таъсир қилмас, зеро мен сиз тайёрлайдиган заҳарни ичишга тайёрман, токи одамлар, менинг устоздан қўлим калталик қиладиган жойим йўқлигини билиб қўйсинлар. Балким, мен ўзимни ҳимоя қилганимдан сўнг яна жанг майдони мен ва устоз учун кураш майдони бўлиб қолар. Мен эса ўз даъвоимга кўра жанг майдонини тарк қилмайман ва устоздан ғолиб чиқмагунимча жанг майдонидан бир одим ҳам жилмайман...

Мажлис аҳлининг кўпчилиги шогирднинг гапини давом эттириб, бирлари ҳасад билан, бирлари жирканч ниятларини амалга ошириш учун устоз ва шогирддан бирининг мағлубиятга учрашини ич-ичларидан хоҳлар эканлар. Улар мажлисда зўр бериб, устоз ўйиндаги навбатини давом эттирсин, деб талаб қилибдилар. Ва шогирд ҳам жаҳл отидан тушмабди.

Афлотун ўзга чорани кўрмагач, дебди:

— Жуда яхши, мен тайёрлайдиган заҳар қирқ кеча-кундузда тайёр бўлади. Бу осон иш эмас.

Мажлис аҳли шу кунни зикр этиб, «қирқ кундан кейин айнан шу ерда учрашамиз ва бу синовни ҳам текшириб кўрамиз», дейишибди, зеро улар оқилликдан узоқда эканлар, шунинг учун Афлотун уларнинг шартини қабул қилиб, уйига ғамгин йўл олибди.

Аммо Афлотун заҳар тайёрлашга шошилмабди. Хўш, унда нима иш қилди, дерсиз? Афлотуннинг биринчи қилган иши шу бўлибдики, шогирди турадиган уй ёнидан бир хонани ижарага олиб, бир неча

Ҳар тарафдан шу хилдаги гаплар эшитилаверибди.

— Ростдан ҳам, шундай даражага етган шогирднинг ўлими жамиятимиз учун оғир йўқотишдир,— дебди яна бири.

— Нима бўлганда ҳам, устознинг ўзи гувоҳлик беришича, Афлотун ўлгандан кейин бу мамлакатга у жуда зарур эди. Мана устознинг ҳам қуёши сўниб боряпти...— дебди яна бири.

Ҳамма бошини афсус ва надомат билан қимирлатармиш. Ҳамма жойда одат ўзи шундай-да!

Султон жим, индамай мажлис аҳлини кузатиб ўтираверибди, лекин мажлис аҳлининг кайфияти аста-секин унга ҳам ўтиб бораверибди. У ҳам афсус, чуқур ўксиниш билан:

— Ҳа, заҳар ҳақиқатда жуда ўткир экан. Кучсизроқ заҳар ҳам унинг адабини беришга етар эди,— деб Афлотунга қарабди.

Афлотун султоннинг бу нигоҳини кўриб, дарров ўрнидан турибди ва жомга яқин бориб, уни қўлига олибди. Жомда ҳали анчагина сув қолган экан. Шунда у мажлис аҳлига қараб:

— Дўстлар, азизлар! Устоз ҳеч вақт ўзининг шогирдига, айниқса, ўзи яхши кўриб тарбиялаган истеъдодли шогирдининг ўлимига рози бўла олмайди. Лекин тақдир шундай экан. Мен ҳеч қандай заҳар тайёрлаганим йўқ. Фақат жомдаги суюқликни қудуқдан тортиб олишда озроқ заҳмат чекканман, холос. Бу заҳар эмас, қудуқ сувидир. У шундай сувки, ҳеч кимга зарар қилмайди, фақат менинг шогирдим ўз жаҳолатининг қурбони бўлди,— дебди Афлотун ва ҳеч иккиланмай жомдаги қолган сувдан бир неча қултум ичибди. Кейин уни ўтирганларга тутибди.

— Илтимос, сиз ҳам ичиб кўринг,— дебди. У бир эмас, бир неча кишига сув ичирибди. Ҳамма шогирднинг заҳар эмас, сув ичганини билибди.

Мажлис аҳли орасидаги баъзи қабиҳ ниятли кишилар Афлотунни султонга ёмон кўрсатиб, унинг бошига ҳам шогирднинг қисматини солиш ниятида ўтиришган экан. Шунинг учун шогирддан қолган заҳарни Афлотуннинг ўзига ичиришмоқчи экан-у, лекин Афлотуннинг ишини кўриб, қандай оқил ва

доно одам билан рўпара келганларини фаҳмлашибди. Шу боисдан ҳаммалари бир оғиздан, «шогирд ўз жаҳолатининг қурбони бўлди», деган фикрни билдиришибди. Шундай деб устознинг фазли, ақл-заковатини таърифлаб кетишибди.

Султон мажлис аҳлининг Афлотунга бўлган кайфиятини кўриб, ўзининг асл ҳолига қайтибди ва боши билан ишора қилиб, шогирднинг танасини мажлисдан олиб чиқиб кетишни ва дафн этиш тадорикини кўришни буюрибди.

Айтишларича, Афлотун шогирдининг ўлими таъсирида бир неча йил уйдан ташқарига чиқмаган ва умрининг охиригача ғамгин юрган экан.

Кўрдингларми! Устозини таҳқирлаган шогирдининг номи қиёматгача ёмон отлиқ бўлиб қолар экан.

СИРЛИ КАТ

Бор экан-да, йўқ экан, қадим замонда бир дурадгор яшаган экан. Ёшлигида унинг нуқул ёш ниҳолларни кесадиган ёмон бир одати бор экан. Бир оз ёши улғайгандан сўнг эса, у ниҳолларни кесиш маъқул иш эмаслигини тушуниб қолибди. Шундан сўнг ўзича: «Агар бирор буюм ясайдиган бўлсам, фақат қуриган дарахтлардану қуриган ёғочлардан ясайман, ҳеч қачон ёш ниҳоллар, кўкариб турган дарахтларга тегмайман»,— деб аҳд қилибди.

Яхши ният — ярим давлат, деб бир қанча вақт ўз ваъдасига вафо қилиб юрибди. Иттифоқо бир йили жуда оғир келибди ва мамлакатда қаҳатчилик бошланибди. Қуруқ ёғочларни топиш амримаҳол бўлиб қолибди. Бечора дурадгор эртадан кечгача жонини жабборга бериб ишлар экан, аммо кун бўйи топган-тутгани болаларини бир кунда бир марта қорнини тўйғазишга ҳам етмас экан. У ўлартириларига қарамай ишлайверибди, ишлайверибди, аммо бири икки бўлиш ўрнига кундан-кунга қарзга ботаверибди.

Кунлардан бир куни эрталаб минг хил мулоҳаза билан қўлига арра ва теша олиб, истар-истамас ўрмон томонга йўл олибди, бир дарахтнинг

тагига бориб тўхтабди-да: «Сени кесайми ё кесмайми?»— деб дарахтдан сўрабди. Дарахтдан садо чиқмабди. Шунда дурадгор ўрмондаги барча дарахтларни бир-бир айланиб чиқибди. Аммо бирор дурадгга арра солиши билан дарҳол эсига берган ваъдаси тушармиш. Шу алпозда кеч ҳам кирибди. Дурадгор уйига қуруқ қайтибди. Оталарини сабр-сизлик билан кутиб ўтирган болалари унинг уйга ҳар кунгидан ҳам эзилган, ҳорғин ва устига-устак икки қўли бўш кириб келганини кўриб ҳафсалалари пир бўлибди. Шу кечани бир амаллаб ўтказишибди. Эртасига эрталаб дурадгор яна арра-тешасини кўтариб ўрмонга борибди. Аммо уззукун бирорта ёш дарахтни кесишга юраги дов бермай, тарвузи қўлтигидан тушиб, тагин уйга қуруқ қайтибди.

Болаларининг оч-наҳор юргани ва эрининг ҳеч вақо олиб келмаганидан жони ҳалқумига келган хотини дурадгорнинг ёнига келиб ўтирибди-да, ундан:

— Илоё дарахт зотига ўт тушсин. Айтсанг-чи, сенга нима бўлди ўзи, ахир? Кун бўйи сергашвишсан, уйга қуи-қуруқ қайтпасан,— деб сўрабди ва гапида давом этибди: — Агар бирор кори ҳол юз берган бўлса, ахир хотинингман, мени бу сирдан огоҳ қилишинг керак.

— Эй хотин! Бу ерда ҳеч қандай сир-пир йўқ, фақат ишим сал юришмайроқ турибди, чунки бозорда ёғочнинг нархи жуда қимматлашиб кетган. Борди-ю бозордан ёғоч сотиб олиб, бирор буюм ясаган чоғимда ҳам ҳеч фойда кўрмайман, меҳнатим зое кетади, холос. Агар ўрмондан дарахт кесиб олиб келинса, бир оз фойда кўриш мумкин, лекин ёш ниҳолларни сира кўзим қиймаяпти,— деб жавоб берибди дурадгор.

— Сен моҳир ва қўли гул ҳунармандсан. Ёғоч ҳўлми, қуруқми, сенга барибир эмасми? Тирикчилигинг ўтса бўлди-да, ахир. Тирикчиликнинг бошқа чораси бўлмагач, ёш ниҳолларни кесиш сендай кишига раво, чунки табиатдаги жамики нарса инсон учун яратилган-ку,— дебди хотини.

— Бундан бир неча йил аввал ёш ниҳолларни кесмайман, деб аҳд қилган эдим. Энди қандай қи-

либ ўз аҳдимни бузаман,— деб жавоб берибди эри.

— Гапинг гўғри-ку, аммо кўриб турибсан, бу йил огир келди, қаҳатчилик. Ҳозир ҳаммага қийин. Биронта дўсти-ёринг сенга қарз беролмайди. Тирикчилик ўтказиш учун дарахт кесиш керак бўлса, на чора, кесасан-да,— дебди хотини.

Хуллас, эри у деса, хотини бу дебди, ҳар ким ўзиникини маъқуллабди. Шу тариқа тонг ҳам отибди. Эрталаб дурадгор яна арра-тешасини кўтариб, ўрмонга борибди. Биринчи кўринган баланд, азамат дарахтнинг тагига келиб, ундан: «Эй дарахт, сени кесайми ё кесмайми?»— деб сўрабди. Дарахт тилга кириб: «Дурадгор бобо! Менинг нозик ва ёш новдаларим бор. Агар сенинг болаларинг бўлса, уларнинг ҳаққи-ҳурмати, менинг нозик ва ёш новдаларимга раҳм қил»,— деб жавоб қайтарибди. Дурадгор арра-тешасини кўтариб, бир неча қадам ташлабди ва бошқа бир дарахтнинг тагида тўхтаб, боягидан баландроқ овозда дарахтга мурожаат қилибди:

— Эй дарахт, сени кесайми — кесмайми?

— Эй дурадгор бобо, ҳали ҳамма новдаларимга озуқа берганим йўқ, нав-ниҳолларим илдининг етилиш-етилмаслиги менга боғлиқ. Агар каттакичик болаларинг бўлса, менга мурувват қилишинг керак,— деб зорланибди дарахт.

Бечора дурадгор яна арра-тешасини кўтариб, ноумид ҳолда дарахтдан узоқлашибди. Бошқа бир дарахтнинг тагига келиб ундан розилигини сўрабди. Дарахт шу йилгина шохлаганини, яшаш умиди борлигини, келаси йил баҳор фаслида бундан ҳам кўркамроқ бўлиб, атрофга файз бериш орзусида эканлигини айтибди ва, агар сенинг ҳам келажакдан умидинг бўлса, менинг орзуларимни рўёбга чиқишига қаршилик қилма, раҳм эт, деб ўтинибди. Дурадгор маъюс ва ноумид ҳолда у дарахтдан-бу дарахтнинг тагига бориб кесиш ҳақида оғиз очса, ҳар бир дарахт унга ўз орзу-умидини баён этармиш.

Дурадгор ҳайрон бўлиб туш пайтигача у ёққа борибди, бу ёққа келибди, роса сарсон бўлибди. Умидини узиб, энди дўконига қайтмоқчи бўлиб

йўлга тушган экан, кўзи ўрмондан чеккароқда, бир бурчакда офтобда қорайиб турган қадди-қомати тик, баланд, якка-ёлғиз ўсган дарахтга тушибди. Дарров йўлини ўзгартириб, арра-тешасини кўтариб дарахтга яқинлашибди. Унга салом бериб:

— Эй дарахт! Сен ҳамма дарахтлардан ўзгачасан, яккаю ягонасан. Лекин менинг ишим юришмаяпти,— деб ўзининг бошидан ўтган саргузаштларни бирма-бир гапириб берибди ва сўзининг охирида дарахтдан сўрабди: — Сени кесайми ё кесмайми?

Дарахт бир силкиниб жавоб берибди:

— Эй дурадгор бобо, сенинг аҳволингга тушундим. Аррани менинг тагимга сол-да, кўзларингни юмиб ол! Ерга йиқилганимдан сўнг мендан тўрт бўлак кесиб ол-да, ундан бир кишилик кат яса! Лекин бир шартим бор, подшоҳдан бошқа одамга сотмайсан ва агар подшоҳ сотиб олмоқчи бўлса, нархини тўрт кечадан кейин унинг ўзи айтсин. Яна шуни айтишни унутмагинки, унда подшоҳнинг ўзи ухлаши ва агар мабодо ёқмаса, тўрт кечадан кейин қайтариб бериши мумкин.

Дурадгорни ваҳима босибди, бу воқеа уни гангиб қўйибди. У ўзига-ўзи: «Тўрт кунгача нима еймиз, устига-устак тўрт кечадан кейин кат подшоҳга ёқмаса-чи, қайтариб берса-чи, унда нима бўлади?!» — деб жуда қўрқибди. Дурадгор шу фикрларни кўнглидан ўтказиб турган экан, дарахт васиятини давом эттирибди:

— Танамдан чиққан шох ва пайраҳаларни эса бозорга олиб чиқиб сот ва шу тўрт кунга етарли харажат қил! Тўрт кундан кейин эса худо пошшо.

Дурадгор дарахт васиятига амал қилиб, унинг шох-шаббаларини сотибди ва пулига тирикчилик учун у-бу нарса сотиб олибди. Кейин ишга киришиб, ниҳоятда чиройли, пишиқ ва ҳаммага манзур бўладиган кат ясабди. Уни кўтариб сарой ёнига борибди. Бирор соат ҳам ўтмай, подшоҳ эрталабки сайрдан қайтаётиб, кўзи дурадгор қўйиб қўйган катга тушибди. От жilовини буриб, катга яқин келибди ва дурадгордан унинг нархини сўрабди.

Дурадгор ўз шартини айтибди, яъни тўрт кечадан сўнггина кат нархини подшоҳнинг ўзи айтиши кераклигини билдирибди.

Подшоҳ аввал таажжубланибди, кейин эса бу таклиф унга маъқул тушибди: «Жуда соз!»— дебди-да, катни саройга олиб бориб, махсус ётоқхонасига қўйишларини буюрибди.

Биринчи кеча кеч кириши биланоқ подшоҳ тўппа-тўгри ётоқхонасига кириб, катга ясланибди. Ярим кечада подшоҳ катнинг ғижирлаган овози ва аллакимнинг: «Лола, лола¹. Сиз уйғоқ бўлингиз, мен кетдим», деганини эшитибди. Кейин кат ҳаракатга келиб, оёқларидан бири аста-секин ажралибди-да, тарақ-туруқ қилиб уйдан чиқиб кетибди. Подшоҳ бу ҳолни кўриб олдинига қўрқиб кетибди, кейин эса «худо балогардон» дея ўзига ўзи: «Қани сабр қилай-чи, бу ерда қандай сир бор экан?! Бу ёғига яна қандай ишлар бўларкин?» деб ўзини ухлаганга солиб ётаверибди. Тонгга яқин эшик секин очилиб, катнинг оёғи кириб келибди ва ўз жойига ўрнашибди-да, ўртоқларига салом берибди. Ўртоқлари эса «ҳорма» деб аста шивирлаб сўрашибди: «Қалай, тунинг хайрли ўтдими?» У жавоб берибди: «Ҳа, хайрли ўтди, шаҳарни айландим, сўнг шаҳар дарвозасидан ташқарига чиқдим. Фалон харобазорда бир неча ўғри подшоҳ хазинасидан ўмариб кетган тиллаларни тақсимлаб олишаётганини кўрдим. Тўғри бориб уларнинг даврасига кирдим. Улар мени ўз тўдаларидан, ўғри дўстларидан бири хаёл қилиб: «Роса вақтида келдинг, овозингни чиқарма, сенга ҳам улушингни берамиз»,— дейишди. Мен унамай: «Мен подшоҳнинг махсус одами-ман, сизларни таъқиб қилиб келдим»,— дедим. Улар шартта қиличу ханжарларини яланғочлаб устимга ташланишди, мен ҳам тўртталовини қиличдан ўтказгунча олишдим. Уша ерда тўрт нафар ўғрининг жасади билан подшоҳнинг хазинаси қолди». Ўртоқлари унга: «Хўш, энди нима қиламиз?! Подшоҳни уйғотамизми ё уйғотмаймизми?»— деб сўрашибди. У эса: «Мен уйга кириб келаётганимда подшоҳ уйғоқ эди. Бу қиссани эшитиб ётган бўлса ҳам ажабмас»,— дебди.

¹ Лола — оғайни, биродар маъносида ишлатилади. (Изоҳлар таржимонларники).

Подшоҳни аввал ваҳима босибди, кейин ишни бузиб қўймаслик учун ўзини уйқуга солиб, у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилибди ва керишиб ўрнидан турибди. Ташқарига чиқиб, тунги қоровулбошини чақирибди-да: «Тез бўл, фалон харобазорга бориб, аҳволни билиб кел!» дебди. Кейин яна ўз ўрнига бориб ётмоқчи бўлибди, лекин тонг ёришиб қолганини кўриб, сарой масжиди томон кетибди. У ерда намоз ўқиш билан машғул бўлибди. Хизматкорлар дарҳол ўринларидан туриб чой тайёрлашибди. Ибодатдан кейин подшоҳ нонушта қилибди. Сўнг шоҳона либосларини кийиб саройга йўл олибди. Саройга кира солиб бир неча халта олтин билан тўрт кишининг жасадига кўзи тушибди. Қоровулбоши подшоҳ ёнига келиб салом берибди-да, бўлган воқеани бошдан-оёқ баёъ қилибди. Подшоҳ ҳайратдан ёқасини ушлаб, олтинларни хазинага топширишни ва мурдаларни кўмишни буюрибди.

Иккинчи кеча ҳам шу тарзда ўтибди, яъни тун ярмидан оққанда, катнинг оёқларидан бири овоз чиқариб, ўртоқларига: «Лола, лола! Яхши қолинглар, мен кетдим»,— деб тарақ-туруқ қилиб, уйдан чиқиб кетибди. Подшоҳ эса ўрнида уйғоқ, лекин ўзини ухлаганга солиб кетган оёқнинг қайтиб келишини сабрсизлик билан пойлаб ётибди. Тонготарга яқин эшик секин очилиб, оёқ кириб келибди-да, салом берибди ва ўз ўрнини эгаллабди. Ўртоқлари: «Тун хайрли ўтдимиз?»— деб сўрашибди. У «ҳа» ишорасини қилиб: «Мен шаҳарнинг уч маҳалласини айландим, тўртинчи маҳаллага борганимда, бир пастқам кўчада оёқ изларига кўзим тушди, қарасам, ўша яқиндаги кўча эшикнинг бир табақаси очиқ экан. Ичкарига кирдим. Нарироқ бориб, бешолти нафар аскарнинг ўғрилар кийимини кийиб олганини, бу уйга бир аёлнинг жасадини олиб келишинини ва унинг эвазига бечора уй эгасининг қизини зўрлик билан лашкарбоши ўғлининг уйига олиб кетишмоқчи бўлишаётганини кўрдим. Улар мени кўргач, ҳамла қилишмоқчи бўлишди. Лекин мен бешовини ҳам асир олиб, қўл-оёқларини боғлаб қўйдим. Уй эгалари ва қўшнилари чақириб, бу воқеадан бохабар қилдим-да, уларга: «Сизлар буларга қараб туринглар, мен тезда қайтиб кела-

ман»,— деб уйдан чиқиб кетдим. Ўртоқлари айтишибди: «Бас шундай экан, подшоҳни уйғотайлик?!» У эса: «Ҳожати йўқ, мен уйга кирганимда, подшоҳ уйғоқ эди»,— дебди. Ўртоқлари: «Унда яхшиси подшоҳ олдин мазкур воқеадан батафсил воқиф бўлиб олсин»,— дейишибди. Ҳамма сирдан воқиф бўлган эёқ уларга бир бошдан гапира бошлабди: «Уй эгаси камбағал бир одам бўлиб, жуда гўзал қизи бор экан. Шунинг учун лашкарбоши унинг қизини келин қилиш ниятида бир неча бор совчи юборган экан. Лекин уй эгаси: «Аввало мен ғариб бир кишиман ва унга муносиб қуда эмасман. Иккинчидан, қизимни фотиҳа қилиб қўйганман. Бир қизни икки куёвга бериб бўлмайди-ку, бу шариятга хилоф»,— деб узр сўрабди. Лакшарбошининг ўғли эса икки оёғини бир этикка тиқиб олибди ва ҳар куни шу қизни олиб берасан, деб отасига тиқилинч қилаверибди. Оқибатда лашкарбоши баҳона топиб, кеча кечқурун ўзининг мухолифларидан бирининг қизини олиб қочибди ва уни ўлдириб, биз айтган уй эгасиникига олиб келиб ташлабди, шу билан у ўз олдига, биринчидан, уй эгасининг қизини олиб кетиш, отасини эса туҳмат қилиб қотилликда айблашни, иккинчидан эса, ўзининг жонини асраш ҳамда мухолифини бадном этишни мақсад қилиб қўйган экан. Мен қўл-оёқларини боглаб қўйган аскарлар орасида лашкарбошининг ўғли ҳам бор. Лашкарбоши ва унинг ўғли, албатта ўз жазоларини тортишлари керак, токи одамлар уларнинг ёмонликларидан қутулсинлар».

Подшоҳ у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, керишибди, «ух» деб ҳомуза тортибди ва секин ўрнидан туриб, ташқарига чиқибди. Посбонларини чақириб, воқеа рўй берган уйнинг қаердалигини тусунтирибди ва тезда бориб айбдорларни саройга олиб келишни буюрибди. Кўп ўтмай соқчилар арқонга боғланган беш нафар кишини ва ўлдирилган шўрлик ёш қизнинг жасадини келтиришибди. Подшоҳ лашкарбошининг ўғлини таниб, уни бошқалардан ажратиб, алоҳида қамашни буюрибди ва сўроқ қилибди. Бола аввал гуноҳини бўйнига олмабди, сўнг эса айбига иқрор бўлибди. Подшоҳ

лашкарбошининг ўғлини зиндонга ташлаттирибди, отасини эса исканжага олибди.

Учинчи кеча подшоҳ кат оёқларининг сир-ас-роридан таажжуб ва ҳайратга тушган ҳолда салтанат ишларини битиргач, одатига кўра, ётоқхона томон йўл олибди ва ўрнига ётибди. У бу аждойиб-ғаройиб кат ҳақида ўйлаб кўзи уйқуга кетмаган ҳам эканки, кат оёқларидан бирининг шивирлаб гапирганини эшитибди: «Лола, лола, яхши қолинглар, мен кетдим». У тарақ-туруқ қилиб хонадан чиқиб кетибди.

Орадан бир соат, икки соат, уч соат, ҳатто тўрт соат ҳам ўтиб кетибди. Бир вақт эшикнинг гижирлаб очилгани эшитилибди ва кат оёғи аста-секин ўз ўрнига келиб турибди ва ўртоқларига салом берибди. Ўртоқлари алик олиб, «ҳорма» дейишибди. Ўртоқларидан бири ундан: «Биродар, тун хайрли ўтими?»— деб сўрабди. «Ҳа,— деб жавоб берибди у.— Аммо вазирнинг ҳарами ёнидан ўтаётсам, хизматкорлар қўлларида чироқ кўтариб, у ёқдан-бу ёққа елиб-югуриб юришибди. Ўзимни бир чеккага олиб қулоқ солсам, улар: «Қиз йўқ, қиз йўқолди», дейишяпти. Мен ўғриларнинг изидан тушдим ва уларни таъқиб қила бошладим. Ўғрилар тўрт нафар бўлиб, изларини йўқотиш ниятида оёқларига наमत боғлаб олган эканлар. Уларни йўл чеккасида бир киши бешта от билан пойлаб турган экан. Ҳаммалари отга миниб, шаҳар дарвозаси томон юришди. Улар дарвозабоннинг овқатига беҳуш қиладиган дори қўшиб беришиб, ўзини эса боғлаб, шаҳардан чиқиб кетишди. Орқаларидан узоқ юрдим. Қиз йўлда ўзини озод қилишга уринар, ўғриларга бош бермас эди. Улар бир қабристонга етишгач, отларидан тушишди ва қизни қабристонга олиб кириб кетишди. У ерда қизнинг қўл-оёғини қайтадан маҳкамлаб боғламоқчи бўлдилар. Энди боғлай деб турганларида мен етиб келдим ва бирининг бошига, бирининг оёғига солавердим. Улар ўзларини ураётган нарса қандайдир катнинг бир оёғи эканини кўриб даҳшатдан қотиб қолдилар. Мен қизга қараб: «Қўрқма, манави отлардан бирига миниб ол. Отнинг жировини шаҳар тарафга бур», дедим. То у отга миниб олгунча, мен бошқа отларни уриб ҳай-

дадим. Отлар мендан қўрқиб, ҳар тарафга қочиб кетдилар. Ўғрилар то отларини қувалаб тутгунларича, қиз икковимиз улардан ўн чақиримча узоқлашиб кетдик. Қиз соғ-саломат ҳарамга кириб кетди, мен эса бу тарафга йўл олдим. Ҳозир вазирнинг ҳарамида уриш-жанжал бўляпти. Улар қизни атайлаб қочиб кетганликда айблашяпти. Қиз эса: «Бир киши келиб мени қутқарди», деб такрорляпти. Улар ишонмай, қиз бечорани исканжага олишяпти. Подшоҳ одам юбориб, у бечора қизни азобдан қутқариши керак». Ўртоқлари ундан: «Подшоҳни уйғотайликми?» — деб сўрашибди. Шунда у: «Йўқ, менимча кириб келаётган пайтимда у уйғоқ эди», — дебди.

Подшоҳ керишиб ўрнидан турибди ва хизматкорларидан бирини вазирнинг уйига юборибди. Ўзи эса сарой масжидига кириб, бу воқеанинг ҳам охири бахайр тугагани учун худога шукур қилиб, бомдод намозини ўқиш билан машғул бўлибди. Чунки мамлакат учун иснод келтирувчи бу бахтсизлик етмагандек, устига-устак бу жиноятда айбланиб, қанчадан-қанча бегуноҳ бева-бечоралар бекордан-бекор азоб-уқубатларга гирифтор бўлиши мумкин эди-да.

Тўртинчи кеча тун ярмидан оғгач, одатга биноан, тўртинчи оёқ ҳаракатга тушиб, овоз чиқарибди: «Лола, лола, яхши қолинглар! Мен кетдим», — деб тарақ-туруқ қилиб уйдан чиқиб кетибди.

Ўртоқлари узоқ кутишибди, лекин ундан дарак бўлмабди. Подшоҳ ҳам ўзини ухлаганга солиб, аҳён-аҳёнда бетоқатлик билан у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, жони ҳалқумига келгудек бўлиб ётаркан. Гоҳо уни уйқу босиб, кўзлари юмилиб кетар, шунда ғалати тушлар кўрар ва дарров ўзини қўлга олиб кўзини очаркан. Бу ғалати тушлар ва уч кундан бери кечаси билан мижжа қоқмай чиқиши уни ғоятда чарчатган ва асабийлаштириб қўйган экан. Саҳарга яқин тўртинчи оёқ кириб келибди ва ўртоқларига салом берибди. Ўртоқлари ҳам одатга кўра «ҳорма» деб жавоб қайтаришибди. Шунда ўртоқларидан бири: «Биродар, жуда кеч қолдинг, тинчликми?» — деб сўрабди. У: «Менимча, ҳар нима бўлганда ҳам подшоҳ сахий ва яхши

одам, камбағал бечораларга бир луқма ош бериб, уларнинг дуосини олган бўлса ажаб эмас. Агар мен бориб қолмаганимда, эртага бутун мамлакат мотам тутарди».

Уйқусизлик ва турли хаёллар остида азоб чекаётган подшоҳ бутун вужуди қулоққа айланиб: «Эй худо, яна қандай воқеа содир бўлди экан»,— деб унинг гапига қулоқ солиб ётаверибди. Келган оёқ ҳикоясини давом эттирибди: «Биродарлар, шоҳ саройида канизаклар жуда кўп. Уларнинг орасида бўйнига оқ маржон тақиб юрадиган жуда гўзал ва ифбатли бир канизак бор. Уни подшоҳ ҳам яхши танийди. Подшоҳнинг ягона ўғли дастидан ана шу канизакнинг юраги жуда сиқилиб кетган. Қиз шаҳзоданинг ноўрин хатти-ҳаракатларидан ва талабларидан қийналади, чунки бир томондан шоҳдан қўрқса, иккинчи томондан шаҳзоданинг ёшлигидан ва шунча йил унинг хизматини қилганидан товушини чиқара слади ва на бирор кишига шикоят қила олади. Агар шоҳга айтса, шоҳ аввалига ишонмаслиги ёки умуман суриштириб ўтирмаслиги мумкин. Мабодо тергаб-суриштиргудек бўлса, шаҳзодани айблаб исканжага олиши мумкин. Канизак валинеъматининг бундай шармандагарчиликка учрашини истамайди, зероки бу шармандагарчилик ўзининг ҳам этагидан тутиши мумкин. У бундан қутулишнинг энг яхши чорасини топибди, яъни жонига қасд қилмоқчи бўлибди-да, бир киши орқали заҳар топтириб, заҳарни косага солиб, ичмоқчи бўлиб турганида малика кириб келибди-да, кулиб: «Офарин, рухсатсиз қайси шарбатдан ўзингга қуйиб олдинг», деб сўрабди. Канизак қўрқиб кетиб: «Йўқ, йўқ, бу шарбат эмас, дори», дебди. Малика эса шўхлик қилиб, ундан косани тортиб олиб, икки қўллаб кўтарганча заҳарни ичиб юборибди. Канизак бу ҳолни кўриб қотиб қолибди, кейин эса дод солиб, ҳушидан кетибди. Канизаклар ҳар тарафдан югуриб келишиб, уни ўраб олишибди. Ҳушига келтирмоқчи бўлиб туришган экан, шу пайт малика ҳам косадаги заҳарнинг таъсири остида боши бир томонга оғиб ағдарилиб тушибди. Шу вақт бу шовқин устига мен бориб қолибман, ичкарига кириб, маликанинг тепасига бордим. Аёлар кийимида бўл-

ганим учун ҳеч ким менинг кимлигимни ва қаердан, нима учун келганимни суриштирмади. Дарҳол сарой табибини ҷақиртириб, махсус дориларни олиб келишни буюрдим. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, табибга аввал малика ичган заҳарнинг таъсирини йўқотиш, сўнгра канизакни ҳушига келтириш лозимлигини айтдим. Шундай қилиб, малика ўлим чангалдан қутулди ва канизак ҳам хушига келди. Сарой шундан сўнг тинч ва осуда бўлди-қолди. Агар шоҳ уйғоқ бўлса, сўзларимни эшитаётган бўлса, эртага эрталабданоқ қўлини хайрли ва муборак ишга урса яхши бўларди. Кейин шаҳзода ва канизакнинг арзини эшитса. Шаҳзода отасидан қўрқиб, «канизакни олиб беринг», деб айтолмайди. Шоҳ салтанат сиёсатини юз-хотир қилиб, унинг илтимосини рад этиши, бир канизакка уйланиб, подшоҳликнинг таназулга учраши ва тағи-зоти маълум бўлмаган канизакни подшоҳ оиласига номуносиб эканлигини важ қилиб кўрсатиши мумкин. Лекин мен бу канизакнинг номигагина канизак эканлигини, аслида бобрў оиладан чиққан ақлли қизлардан бири эканлигини биламан. Агар канизак шаҳзодага олиб берилса, подшоҳ оиласининг абадий саодатига пойдевор қурилади. У ўзининг ақл-фаросати ва вафодорлиги билан подшоҳ оиласининг ифтихори бўлиб қолади.

Эрталаб тонг отиши билан биз ҳам подшоҳга тилаётган яхши ният ва қилаётган хайрли ишимиздан озод бўламиз. Бизнинг ватанга, мамлакатга қилаётган хизматимиз ҳозирча ниҳоясига етади. Подшоҳ бу уйни қулфлаб, уни покиза асраб қўяди, қачонки бизнинг хизматимиз керак бўлса, у катда ужласа, биз ҳамиша мамлакатнинг тинчлиги, подшоҳликнинг хайрли иши учун подшоҳга ёрдамга келамиз. Оиламанд фақир дурадгорнинг ҳақи бизнинг бўйнимизда, албатта, подшоҳ унинг ҳақини яхшилаб тўлаши керак».

Эрталаб сўфининг азон айтган товуши эшитилгач шоҳ ўрнидан туриб, эшик томон юрибди. Эшикдан чиқаркан, кат томонга қараб, унга икки букилиб таъзим қилибди. Маликани соғ-саломат кўргач ва кечаги воқеалар тафсилотини билгач, кўп хайрли ишларга қўл урибди. Оч-яланғочларга кийим-кечак ва етим-есирларга бошпана берибди. Сўнгра дурад-

горни топиб келишни буюрибди. Бечора нажжор бу тўрт кечада қандай воқеалар содир бўлганидан бехабар экан, шу боисдан у саройга минг хил хаёллар билан келибди ва подшоҳнинг хушхол ҳамда кулиб турган чеҳрасига кўзи тушгач, кўнгли жойига тушиб, хотиржам тортибди. Шоҳ унга кўп миннадорчилик билдирибди. Кейин уни аввал зарга кўмишга ва ер-сувга бой бир қишлоқ инъом қилишга фармон берибди. Подшоҳ дурадгордан ҳафтада бир марта саройга келиб туришини илтимос қилибди. Канизакни шаҳзодага олиб берибдилар, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бўлибди. Карнай-сурнай ва ногоралар садоси оламини тутибди. Дурадгор ҳам фақир ва бечораликдан қутулибди ва тинч, осойишта ҳаёт кечира бошлабди.

ТАРҒИЛ СИГИР ЕКИ ОЛТИН КАВУШ

Бор экан-да, йўқ экан, бир лақма халифа¹ бор экан. У ким нима деса, ишонаверар экан. Кунлардан бир куни эрталаб уйдан чиқиб, дўконига кетаётган экан, бир тўда одам тоғ орқасидан сурнай-дўмбира чалиб чиқиб, хурсанд бир кайфиятда шаҳарга кириб келишаётган эмиш. Эртасига яна бир тўда одам соз чалиб, қўшиқ айтиб, рақс тушиб, ўша тоғ дарасидан шаҳар томон тушиб келаётганини кўрибди. Дўконига етиб келгунча ҳам сабри чидамай қўшни дўконлардаги ҳамкасабаларидан таажжубланиб сўрабди:

— Икки кундан бери шунча одам соз чалиб, ўйин тушиб, анави тоғ дарасидан пастга тушиб келаётганини кўряпман. Бу никоҳ тўйию келинни олиб келишаётибди, десам, нега унда кетма-кет икки кун?!

Дўкондорлар ҳазил-мутойиба қилиб:

— Оғайни, ҳали хабаринг йўқми?— деб сўрашибди ундан.

— Йўқ,— деб жавоб берибди халифа.

— Маккаи мукаррама учиб келиб, тоғнинг орқасига қўнибди. Одамлар зиёрат қилиб, хурсанд

¹ Х а л и ф а — маълум бир касб эгаси. Ҳирот ва Кандаҳорда «халифа» ўрнига «уста» қабул қилинган.

бўлиб қайтиб келишаяпти,— дейишибди дўкондорлар.

Бечора халифа уларнинг сўзига ишониб, икки-уч кунгача юрса ҳам, турса ҳам ўзига-ўзи: «Маккаи мукаррама шу тоғнинг орқасига кўчиб келгани зап яхши иш бўлипти-да. Агар озроқ маблаг тўпласам, мен ҳам бориб, бир зиёрат қилиб келардим-да», деб гапириб юрибди. Бундан хабар топган дўкондорлар унга:

— Ҳой, сенга нима бўлди ўзи, Маккаи мукаррама қушмидики, қанот қоқиб учиб келиб қўнарди. Ҳеч эшитганмисан, Маккага борадиган кишилар сурнаю дўмбира чалиб бормайдилар-ку, ахир,— дебдилар.

— Мен қайдан билай, одамлар шундай дейишяпти-да,— дебди халифа.

Лақма халифанинг икки хотини бўлиб, биринчиси кўнгли очиқ, хушфёъл, иккинчиси эса ичи қора, шаллақи, бетга чопар экан. Катта хотини ғоятда гўзал бир қиз туғибди ва отаси унга Фотима деб исм қўйибди. Шу кундан бошлаб, кичик хотинининг қалбида унга қарши кучли ҳасад уйғонибди. Айниқса, у кундан кунга Фотиманинг ўсиб-улғаяётгани, ҳусни тобора очилиб бораётганини ҳамда ҳамма уни суйиб-эркалаётганини кўриб ич-этгани ер экан. Қачон қараманг қизга: «Ҳой Фотмача, бу ёққа кел, қудуқдан сув тортиб бер» ёки «Бор анови ерни супуриб қўй», деб иш буюрар ва камситар экан. Фотима ҳам худди ўз онасига ўхшаб гап қайтармас, нима иш буюрса, «хўп бўлади», деб елиб-югуриб бажараркан. Лекин кичик она Фотима билан унинг онасига зулм ўтказишини қўймас экан. Айниқса, Фотимага бўлар-бўлмасга заҳар-заққумини сочаркан. Қиз эса, аксинча, кундан-кунга ҳуснига ҳусн қўшилиб, гулдек очилиб бораркан. Қиз ўзининг соҳибжамоллиги, хулқи ва одоби билан нафақат маҳалласи, ҳатто ён-теварақдаги маҳаллаларга ҳам яхши ном таратибди. Қўни-қўшни хотинлар, қизлар кичик онанинг Фотимага жабр қилиши ва атайлаб уни таҳқирлаб Фотмача деб чақиритишини эшитиб, унинг Ойша исмли қизини ҳам Ойшача деб атай бошлабдилар.

Кичик она Фотиманинг кундан-кунга хушахлоқ бўлиб бораётгани ва чиройига чирой қўшилаётгани ва аксинча, ўз қизи Ойшанинг хулқ-атвори ёмон, инжиқ, ишەқмас бўлиб хунуклашиб кетаётганидан азобланар, Фотима ва унинг онасига нисбатан ҳа-сади чексиз ошиб борар экан. Фотимага ўтказаётган зулми камлик қилгандек, кичик она энди унга қарши илму амал қилмоқчи бўлибди. Кундузлари эридан яшириб, иссиқ-совуқ қилувчи борми, афсунгар борми, илму амал қилувчи фолбин борми, деб кўчама-кўча ит каби изғир ва халифа бечоранинг топган-тутганини, бор-йўғини ўшаларга сарфларкан. Кунлар, ҳафталар шу зайлда ўтаверибди.

Бир куни ўзга юртдан бир жодугар келибди, деб эшитибди. Эрининг олтин-кумушларини, ўзининг тилла тақинчоқларини икки қўллаб жодугарга тутқазибди. Ўз юртида минглаб одамларнинг ҳаловатини бузиб хонавайрон қилган жодугар Фарангистондан келган бўлиб, илму жодунинг пири экан. У ўн кечаю ўн кундуз давомида минг бир жоду ишлатиб, бечора Фотиманинг онасини ўзининг шайтоний тилсимоти ёрдамида тарғил сигир шаклига киритибди. Бир куни эрталаб туриб қарашса, Фотиманинг онаси тўсатдан ғойиб бўлиб қолибди, лекин ҳовлидаги молхонада бир тарғил сигир пайдо бўлибди. Фотиманинг онасини у ҳовли, бу ҳовлидан, кўча-кўйдан қидириб суриштиришибди, аммо топиша олмабди. Хуллас, Фотиманинг онаси худди ер ёрилган-у ер остига кириб кетгандек ёки осмонга учиб кетгандек дом-дараксиз йўқолибди. Бутун шаҳарда фалончининг хотини йўқолибди, лекин ўрнига бир тарғил сигир уйларига кириб келганмиш, эгаси номаълум эмиш, яна шуниси қизиқ эмишки, бирон киши сигирини сўраб ҳам келмасмиш, деган овоза тарқалибди.

Халифа оиласини яхши билган қўшнилардан кўпчилиги, Фотиманинг онаси кундоши зулмига чидаёлмай қизидан ҳам, ҳаётидан ҳам воз кечиб, ўзини ё қудуққа ташлаган, ё сувга, деган фикрда эканлар.

Бечора лақма халифа тез-тез Фотиманинг онасини эслар, хафа бўлар ёки бир илож қилиб, кунда бир маротаба Ойшанинг онасидан яшириқча яқин

атроофдаги қишлоқларга борар ёки бирон-бир фолбинга фол очириб, хотини қаерда эканини билмоқчи бўлармиш. Бундан хабар топган Ойшанинг онаси: «Нима, хотининг нинамидики йўқолиб қолса. У, албата, қочиб кетган. Яшшамагур, қочиб кетиб, сени шерикларинг, қўни-қўшниларинг олдида шармандаю шармисор қилди, сен бўлсанг, яна уни эслаб, қидириб юрибсан, тентак»,— деб таъна қилибди.

Лақма эр хотинининг гапига ишонибди-да, Фотиманинг онасини қидирмай қўйибди. Фотима ҳам аста-секин танҳоликка кўникибди. Ҳар куни эрта-лаб барвақт, кичик онасининг амрига биноан, озгина терт қориб, тарғил сигир охурига ташлар ва қолган вақтини супуриб-сидириш, овқат қилиш ва идиш-товоқ ювиш билан ўтказаркан. Ўгай она бундай қараса, сигир Фотимадан бошқа ҳеч кимни ўзига яқин йўлатмас эмиш, шунинг учун ҳам сигир соғиш, сут пишириш, қатиқ ивитиш каби сермашаққат ишларни ҳам унинг устига юк-лабди.

Бир куни саҳарда Фотима кичик онасининг оғир юмушлари ва миннатидан ҳамда Ойшанинг инжиқлиги ва ёмон хулқидан юраги сиқилиб, ҳўнграб йиғлаганча тарғил сигирни соққани оғилхонага кириб борибди. Сигирни соғаётганда дув-дув тўкилаётган кўз ёшларини ҳеч тўхтата олмабди. Йиғидан ўзини тўхтатолмаётган Фотима бир вақт қараса, сигир ўз одатига хилоф равишда, бу сафар унинг қулоғи ва бўйнини ялаётган эмиш. Бир-икки марта сигирнинг бошини ўзидан нари итарибди. Сигир учинчи марта ялай бошлаган экан, Фотиманинг жаҳли чиқиб, тирсаги билан сигирнинг тумшугига туртиб юборибди. Шунда қулоғига оҳистагина: «Урма, мен сенинг онангман», деган овоз чалинибди. Фотима аввалига бу жинми ёки парими деб қўрқиб кетибди. Кейин яқин атрофда ўзи билан сигирдан бошқа ҳеч ким йўқлигини ва эшитилган овоз ҳам шунчалик майин, худди туққан онасининг овозига ўхшашлигини сезибди, сўнгра хаёлидан яна бир бор: «Нима учун бу сигирдан молнинг ҳиди келмайди?» деган фикр ўтибди. Бундан ташқари кўнглида илгари ҳам туғилган: «Нима учун

бу сигир соғаётган пайтимда бошини елкамга қўйиб туради?» деган савол тағин ёдиға келибди. Бу овозни эшитгач, бамисоли узоқ вақт онасини йўқотган кийик боласидек кўзлари жавдираб, қалбида ўзгача бир ҳисни туйибди. Бошини сигирнинг ёлиға қўйиб йиғлабди. Кўзларини йиғидан очган пайтида онасининг ҳам кўзларидан маржон-маржон ёш оқаётганини кўрибди. Яна онасига ёпишиб, дув-дув кўз ёши тўкибди, бўйнидан қучоқлаб уни ўпа бошлабди. Бир соатдан кўпроқми ёки озроқми она-бола бир-бирларини ўпиб, ҳидлаб туриб қолишибди. Бу ҳол бошқалар уйқудан уйғониб қолгунча давом этибди ва она-бола йиғлашиб бир-бирларидан узоқлашибди.

Шу кундан бошлаб, Фотима аввалги Фотимага ўхшамай қолибди. Бутун ғам-ғуссаларини унутиб, гўё уйларида ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек, юмушларини қилиб юраверибди. Оёқ-қўли аввалгига қараганда ҳам илдамроқ ва чаққонроқ бўлиб қолибди. Бу сигирнинг тилсим калити қўлида бўлган кичик она Фотиманинг бундай чаққон ва илдам юмуш қилишидан хурсанд бўлиш ўрнига кундан-кунга синчков, миянғи, тирноқ остидан кир қидирадиган бўлиб бораверибди. У, худо кўрсатмасин, тағин Фотима бу сирни тушуниб, онасини таниб қолмасин, деб қизнинг ҳар бир босган қадамидан хабардор бўлишга уринибди. Шунга қарамай, Фотима кундан-кунга очилиб бораверибди, тарғил сигир эса қизини ҳар бир хавф-хатардан огоҳ этиб, эҳтиёт бўлишни тайинлар эмиш. Кичик она шунчалик синчковлиги билан барибир ҳеч нарса сезолмабди.

Ойшанинг онасини бутун фикри тарғил сигирда экан. Кундоши тарғил сигирга айлангач, орадан бир ой ҳам ўтмай, тунларни уйқусиз, паришон ҳолда ўтказадиган бўлиб қолибди. Бир куни тонг қоронғусида қизи Ойша дод-фарёд солиб онасини чақира бошлабди. Онаси қизининг дод-фарёдини эшитиб, ўрнидан ирғиб турибди-да, унинг тепасига келибди. Ойша онасига:

— Нима бўлганини билмайман, пешонамга бир нарса ёпишиб олдим ёки бирор газанда чақдим ёки бирон яра чиқдим, — дебди.

Онаси Ойшани ёруғроқ ерга олиб бориб қараса, ҳақиқатан қизининг пешонасидан ёмон бир яра бўртиб чиққан эмиш. Уйда бор дори-дармонни қизининг пешонасига суртиб, рўмолча билан боғлаб қўйибди-да, қизига дебди:

— То бу яра тузалмагунча ўрнингдан турмайсан!

Ойша эрталабдан оқшомгача ва оқшомдан тонггача хонада кўрпа-тўшак қилиб, дод-фарёд қилиб ётаркан. Тез-тез оғриғи зўрайганидан қизнинг нолиши борган сари кучайиб бораркан. Отаси кунига икки-уч марта қизининг олдига кирар ва: «Тузук-мисан? Нима бўлди?»,— деб қизидан ҳол-аҳвол сўраркан.

— Боши оғрияпти, шамоллаган шекилли,— деркан хотини.

Фотима ичкари кириб Ойшадан ҳол-аҳвол сўрашга журъат қилолмаса ҳам, парҳез овқатлар тайёрлаб, остонага қўйиб кетаркан. Хуллас, она-бола кечасию кундузи уйдан чиқишмас, эшикни ичидан маҳкам беркитиб олиб, турли хил дори-дармонлар ёрдамида қизининг ярасини даволаш билан машғул эканлар.

Тўртинчи куни унинг дарди оғирлашиб, бетоқат бўлиб, қаттиқ дод-фарёд қила бошлабди. Онаси қизининг пешонасига ёпиштирилган дастрўмолни аранг кўчириб қараса, қизариб турган шиш қайтиш ўрнига дўмбира бўлиб кетган эмиш. Буни кўриб, онасининг жон-пони чиқиб кетибди. Ойша яна бир неча кун кечасию кундузи бир дақиқа бўлса-да ором нималигини билмабди. Онаси ҳар куни эрталаб уйдан чиқиб кетар ва бегоналарнинг кўзи қизининг пешонасига тушмасин, деб эшикни қулфлаб, ўзи эшикма-эшик дори-дармон қидириб, саргардон бўларкан. Ҳар қанча уринса ҳам, ҳеч чора топилмабди. Бўлмаганга бўлишма деганларидек, жарроғга учрашишдан бошқа илож қолмабди. Жарроғ келиб шишини кўргач, уни кесишдан бошқа чораси йўқ, дебди. Онаси чор-ночор рози бўлибди ва шишнинг тагидан кесишибди. Бир-икки кун малҳам қўйишибди. Учинчи куни кесилган жойни очиб қарасалар, не кўз билан кўрсинларки, ўша жойдан яна аввалгисидек шиш қизариб, бўртиб чиққан-

миш. Уни яна кестирибдилар, дори-дармон қилибдилар ва уч кундан кейин очиб қарасалар, яна аввалгисидек эмиш. Уч-тўрт марта кестириб даволатсалар ҳам, барибир худди кесилмагандек шиш бўртиб чиқаверибди. Хулласи калом на дардига дармон топа олибдилар, на ҳақим, на табиб ёрдам бера олибди, на қизнинг дардини бировга айта олибдилар, на бировни чақириб ярани кўрсата олибдилар. Бечора Ойша онасининг илму амалига қаттиқ ишонган экан, лекин тақдир ўз ишини шундай қилибдики, на Ойша ва на онаси бир дам бўлса ҳам ором ололмабдилар.

Бир куни Ойшанинг онаси рўй бераётган кўнгилсизликларнинг ҳаммаси шу тарғил сигирдан, токи бу сигир тирик экан, на Фотиманинг сочидан бир тола тўкилади ва на қизи Ойша тузалиб кетади, деган фикрга келиб, уни албатта гумдон қилиш керак, деб қатъий қарор қилибди. Бу ишни қандай амалга ошириш устида кечаси билан роса бош қотирибди, турли йўллارни қидирибди ва охири бир ҳийла ўйлаб топибди.

Эртасига эргалаб ҳеч кимга билдирмай уйдан чиқиб, бозорга борибди, озроқ зарчава билан елим соғиб олиб, изига қайтибди. Зарчаванинг ҳаммасини ҳовончада пинҳона янчибди, кечаси ҳамма қаттиқ уйқуга кетганда кўйлагини ечиб, аъзойи баданига майдаланган зарчавани суркабди-да, бошини рўмол билан маҳкам боғлабди, кейин кўйлагини кийиб, кўрпани устига тортибди-ю: «Вой бошим», «оҳ оёғим», деб эргалабгача овози борича додлабди, йиглабди, сиқтабди.

Тонг отгач, ҳамма унинг бутун танаси заъфарон бўлиб сарғайиб кетганини кўрибдилар. Кўргани келган қўни-қўшниларга у фақат «оҳ-воҳ» қилиш билан жавоб берибди. У шу аҳволда уч кун ётибди, тўртинчи кунга ўтар кечаси бемалол ўрнидан туриб пастки хонага тушиб, бундан бир неча кун аввал қурибди қўйган нонларини олиб чиқибди ва елимни сувда яхшилаб эритиб, икки ёнига суркабди-да қотган нонларни ёпиштириб, устидан маҳкам боғлабди. Кейин ётиб, яна ўзининг нолаю фиғонини эрталабгача авжига чиқарибди. Қимки ундан ҳол-аҳвол сўрагани келса, у ёнидан-бу ёнига ағда-

рилар, шунда қоқ-қуруқ нонлар шарақ-шуруқ овоз чиқариб синаркан, ўзи эса «вой биқиним, вой қобиргаларим синиб кетяпти», деб шикоят қиларкан. Бечора лақма халифа эса эсини йўқотиб қўйиб, у ёққа югурар, бу ёққа югурар, лекин бирон чора тополмас экан.

Кечаси ҳамма ухлаб ётганида ҳам ҳовлида су-пуриш-сидириш ва йиғиштириш билан овора бўлган Фотима онаси ётган уй эшиги олдидан ўтаётиб отасининг ўғай онаси билан гаплашиб турган овозини эшитиб қолибди. Секин келиб қулоқ солса, отаси айтаётганмиш:

— Ахир нима қилай, қўлимдан нима келади, ҳар қанча дори-дармон қилсам ҳам тузалмасанг, табиб ва ҳақим чақирайлик десам, кўнмасанг, ахир нима қил дейсан?

— Табиб чақиринг ва дори-дармон қилишнинг ҳожати йўқ. Туш кўрдим, мен тузалмайман?— деб жавоб берибди ўғай она.

— Қандай туш кўрдинг? Ахир тушда ҳам одам бирор чора топа оларканми?— дебди отаси.

— Эй эр, соқолинг оқарибди-ю, ҳанузгача тушнинг қандай таъсири борлигини билмайсан-а?! Тушимда жин-парилар менга оғилхонада боғлиқ турган тарғил сигирни сўйиб, хайри худойи қилмагунингча тузалмайсан, деб айтишди. Ҳатто бундан анча олдин кўрган тушимда ҳам менга: «Қизингнинг тузалиши ҳам шу сигирга боғлиқ» деб айтишганди,— дебди хотини.

— Эй хотин! Ахир бу сигир жин ҳам эмас, пари ҳам эмас, бунинг устига шайтон ҳам эмаски, бизнинг уйга шунчалик ёмонликлар келтирган бўлса. Бечора бизга ҳар кун икки челақдан сут беради-ю, эвазига бир ҳовуч қаттиқ нон ейди. Уни сен билан қизингнинг тузалишига нима даҳли бор?— деб гўлдирабди лақма эр.

— Биладан, сен битта сигирни хотининг ва қизингдан ортиқ кўрасан. Майли, қўявер, онабола икковимиз ўлсак ўлиб қўяқолайлик, сен тирик қолсанг бўлгани,— деб ҳўнграб йиғлабди хотини у ёнидан-бу ёнига ағдарилар экан.

Отаси хотинининг гапларига ишониб, унга ачи-

нибди ва бошини юқори кўтариб, кўз ёшларини артибди ва унга шундай дебди:

— Майли, агар шу сигирни сўйсак сен тузалиб, қизинг шифо топадиган бўлса, эртага эрталаб қас-соб чақириб сўйдирганим бўлсин. Гўштини улашиб, хайри худойи қиламан. Агар бирор кун сигирнинг эгаси сўраб келиб қолса, ҳечқиси йўқ, товонини тўлайман-қўяман.

Отаси билан ўгай онасининг ўзаро гапини эшитган Фотиманинг кўзлари жиққа ёшга тўлибди. Шу ондаёқ онасининг олдига борибди ва унинг бўйнига осилибди.

Онаси қизига дебди:

— Тинчликми қизим? Ўгай онанг макр-ҳийла қила бошлаганини икки-уч кундан бери сезиб юрибман. Унинг мақсадини аллақачон тушунганман. Ғам ема, сигир бўлиб қолиш менинг учун ҳам яхшилиқ келтирмайди. Қўявер, эртага мени сўйсинлар. Мен сени ёлғиз қолдирмайман, шу ерда бўламан. Сен шундай қил. Мени сўйиб, гўштимни хом-талаш қилишаётганда, қизишмасдан гўштни еб, суякларини ташлаб юборманг, мен эртага келиб уларни йиғиштириб кетаман, деб айтгин одамларга. Сўнгра охурнинг ўртасидан чуқур қазиб, суякларимни ўша ерга кўмиб қўй. Қачонки хафа бўлсанг, бошингга кулфат тушса ёки бирор қийинчилик рўй берса, келиб чуқурни очгин, шунда мушкулнинг осон бўлади. Агар бу сирни ўзингдан бошқа кимса билмаса, ҳеч қачон хорлик кўрмайсан ва ҳеч қачон бировга муҳтож ҳам бўлмайсан. Бор, болам, тинчгина ётиб ухла!

Фотиманинг кўзларига уйқу келмабди. Кечаси билан беш-олти марта ўрнидан туриб, сигирнинг бўйнига осилибди ва онаси — сигир ҳам Фотиманинг бошидан-оёғигача ҳидлабди, ялабди, қизига далда берибди. Саҳарга яқин уйқу зўрлик қилиб, Фотима донг қотиб ухлаб қолибди. Уйқусида туш кўрибди. Тушида онаси худди капалакдек енгил учиб, ҳарир либослар кийиб, офтобдек нур таратиб, Фотиманинг қўлидан ушлаганча гулу райҳонлар экилган боғчада ўйнаб-кулиб юрганмиш. Бир вақт Фотима чўчиб уйғониб кетибди. Шунда кўча эшикнинг ғийқ ётиб очилганини, қассобнинг кириб кел-

ганини эшитиб, ҳушидан кетибди. Бир соатми икки соатми, беҳуш ётибди, кейин отасининг: «Фотимажон, турақол, қурбонлик гўштини қўни-қўшниларга тарқат!»— деб чақираётганини эшитибди.

Фотиманинг эсига онасининг: «Агар ўзингни эҳтиёт қилмасанг, сирингдан бошқалар огоҳ бўладилар», деб таъкидлаб айтган гаплари тушибди.

Фотима ўрнидан туриб, қурбонлик гўштарни улашиб чиқишга қарор қилибди, аммо кўча муюлишларида ва қўни-қўшнилари йўлакларида гўшт бўлакларини ўпмасдан тура олмабди. Фотима онасининг васиятига кўра қайси уйга гўшт олиб кирса, уй эгаларидан суякларини қайтариб беришларини илтимос қилибди.

Эртасига ўгай онаси билан ўгай синглиси уйғонмасданоқ ўрнидан турибди-да, қўни-қўшниларикидан қурбонлик гўшт суякларини йиғиштириб чиқибди-да, охур ўртасидаги чуқурга кўмибди. У анча пайтларгача кечалари ўрнидан туриб, охурнинг олдига борар, чуқурча устидаги тупроқни ўпар, у билан дардлашар, охур деворларини силаб-сийпар ва қайтиб келиб жойига ётар экан.

Бир куни вақт пешиндан оққанда бир неча ўзларига оро берган чодирли хотинлар Фотималарни кига кириб келишибди. Ойшанинг онаси уларни ўз уйига таклиф қилибди. Маълум бўлишича, улар вазирнинг қариндошлари номидан вазирнинг ўғил уйлантириш тўйига таклиф қилгани келган эканлар. Тўйга таклиф қилиб келган хотинлар эшикдан чиқиши биланоқ Ойша ва унинг онаси Фотимага бир оғиз ҳам гапирмасдан, совун-сочиқларини олишиб, олдинма-кейин ҳаммомга қараб кетибдилар. Асрга яқин ҳаммомдан қайтиб келиб, тўғри ўз уйларига кириб, қоронги тушгунча пардоз-андоз қилиш билан машғул бўлибдилар. Тўйга тақиб бориш учун қўни-қўшнилардан зирак, тиллақош, дуру маржон ва биллагузукларини сўраб олишибди. Эрталаб азонда она-бола Фотимага:

— Биз вазирни кига тўйга кетяпмиз. Сен уйни йиғиштириб, супуриб-сидириб ўтир. Кечқурунгача ҳамма ишлар саранжом-саришта бўлсин,— дея яна

кечки овқат қилишни ҳам буюришибди-да, ўзлари тўйга жўнашибди.

Фотима бундан қаттиқ хафа бўлибди. Кўз ёши тўкибди, кейин бориб ҳовли эшигини маҳкам беркитиб келибди. Шу пайт ҳовлида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлиги эсига тушибди, тўғри охур олди-га борибди, чуқурча устидаги тупроқни суриб, йиғлашга тушибди. Хўрсиниб-хўрсиниб йиғлар экан, қулогига кимнингдир гапирган овози эшитилибди, у худди онасининг овозига ўхшармиш.

— Эй болам,— дебди овоз.— Қўй, йиғлама! Тўйга айтгани келган хотинлар уй ичи билан ҳаммани тўйга таклиф қилишган. Лекин ўгай онанг сенга ҳеч нима демай кетди. Ғам чекма! Бор, мен турган уйга кир. Бурчакдаги ертўла қопқоғини кўтар. Ўша ерда бир сандиқ бор. Уни оч, хоҳлаган нарсангни ўша ердан топасан: турли-туман жавоҳирлар дейсанми, тақинчоқлар дейсанми, хуллас, одам бу дунёга келиб кўрмаган ҳамма қимматбаҳо нарсалар ўша ерда муҳайё. Тезгина отлан, дарвоза олдида бир от турибди, у сени тўйхонага олиб боради. Тўйга етиб боришинг билан дарвоза олдида отни қўйиб юбор! Албатта, эсингдан чиқмасин. Ойша билан онасини кўрганда улардан тортинма, худди танимагандек ўгиб кетавер!

Бу гапларни эшитган Фотима:

— Агар кеч қолсаму уй ишлари битмаса, ўгай онам келиб таъзимимни беради,— деган экан, чуқурдан овоз эшитилибди:

— Сен ташвиш қилма! То сен келгунингча, ҳамма ишлар саранжому саришта қилиб қўйилади.

Фотима хурсанд бўлиб, тупроқни яна жойига сурибди-да, онасининг хонасига чошибди. Бориб, ертўладаги сандиқнинг оғзини очибди. Сандиқда-турли-туман кийимликлар тахи бузилмай турганмиш. Бунга кўрган Фотима ниҳоятда ҳайратланибди. Юз-қўлларини яхшилаб юшибди-да, кийимларини кийиб, кўз кўриб қулоқ эшитмаган тақинчоқларни тақиб, худди қўғирчоқдек ясанибди. Сандиқни яна яхшилаб кавлаштириб, тубидаги иккинчи қопқоғини очибди. Қараса, кичик оқ ипак рўмолчада бир жуфт тилла кавуш билан чодра тугуғлиқ турганмиш. Кавушни олиб кийиб кўрса, гўё унга атаб

тикилгандек, оёғига лоп-лойиқ эмиш. Хурсандлигидан ақлдан озаёзбди. Завқланиб, чодрани бошига ёпибди-да, худди товусдек товланиб, уйдан кўчага қараб юрибди. У кўчага чиқиши биланоқ дарвоза ўз-ўзидан маҳкам беркилибди. Қараса, ўша онаси тайинлаган қимматбаҳо эгар-жабдуқли от тайёр турганмиш. От Фотимага яқинлашиб бўйнини эгиб турибди. Қиз отга минибди-ю кўз очиб юмгунча ўзини тўйхона эшиги олдида кўрибди. Отдан тушиб, тўғри ичкарига кирибди. Уни кўриши биланоқ ҳамма тўйга келган хотинлару қизлар ўрниларидан туриб, зир югуриб қолишибди. Ҳаммалари қайси мамлакатнинг маликаси қадам ранжида қилди экан, деб атрофида парвона бўлишиб, иззат-икром кўрсатишибди ва таъзим билан «қани буюрсинлар, марҳамат қилсинлар», деб уни подшоҳ ҳамда вазир оилалари ўтирган катта меҳмонхонага бошлаб киришибди. У меҳмонхонага кириши билан ҳамма қайратдан ёқасини ушлаб, беихтиёр ўридан туриб кетибди. Тўйдаги ҳар бир киши унинг жамолини бир кўрсам, дермиш. Олағовурда уч-тўрт бола оёқ ости бўлишига сал қолибди. Негаки қиз уй эгаларидан тортиб хизматкорларгача — ҳамманинг хаёлини ўғирлаб қўйган экан-да. Бечора келин эса бутунлай эсларидан чиқиб кетибди. Бир лаҳзада бутун тўйхонага, янги келган нотаниш малика ой деса ойдаи, кун деса кундай хушрўй, беқиёс соҳибжамол экан, деган овоза тарқалибди. Бирлари унинг кийимидан гапирса, бошқаси жавоҳирларидан сўзлармиш. Тўй бузилиб, бир зумда ҳамма келинни чор-атрофидан ўраб ўтирган ўртоқларигача узунқисқа бўлиб катта меҳмонхонада ўтирган гўзал маликани томоша қилгани югуриб қолибди.

Бечора Ойша эса онаси билан бирга тўйхонанинг бир чеккасида идиш-товоқ ювиш билан овора эмиш. Булар ҳам тўйхонадаги шов-шув гапларни эшитишибди. Янги меҳмонни кўрмасдан кетишга Ойша ҳам тоқат қилолмай, идиш-товоқларни қолдириб, минг азоб-машаққат билан катта меҳмонхона эшиги остонасига етиб борибди ва узоқдан паризодларга ўхшаган бир сулув қизни кўрибди. У бамисоли юлдузлар ўртасида савлат тўкиб турган

ойдек яшнаб, салобат ва виқор билан ўтирганмиш. Меҳмонлардан тортиб, то уй эгаларигача — ҳамма унинг атрофида гирдикапалак эмиш. Подшоҳ хонадонидан келган меҳмонлар у билан ширин-ширин суҳбатлашаётган эмиш. Ойша ҳайратдан бақрайганча маҳлиё бўлиб қолибди. У «оҳ» чекиб идиш-товоқ ювгани онасининг олдига қайтар экан, йўл-йўлакай ичида қизга ҳам ҳаваси, ҳам ҳасади келиб, ўзига-ўзи дебди: «Бу қиз, албатта, подшоҳлардан биронтасининг қизи бўлса керак, аммо кўзлари худди Фотиманинг кўзларига ўхшар экан».

Онасининг олдига келиб, қизнинг ҳуснижамоли, инсон дунёга келиб кўрмаган зебу зийнатларининг роса таърифини келтириб мақтабди ва: «Онажон, қиз жуда бой ва чиройли экан, фақат кўзлари Фотиманикига ўхшаб кетар экан. Сиз ҳам бир бориб кўринг! Биласизми, қандай чиройли қиз?! Кийимларини айтмайсизми, кўзларинг қамашади, зебу зийнатлари-чи, чеҳрасида нақ офтоб нуриддек ялтирайди-я. Агар иложини тополсангиз жозибали кўзларига бир марга бўлса ҳам қаранг-а. Агар бечора Фотимани бирга слиб келганимизда, у ҳам бу қизни бир кўрарди. Мабодо ясан-тусан қилса Фотима ҳам қуйиб қўйгандай ана шу паривашга ўхшаб кетарди-да», дебди.

— Бор, бор, йўқол! Фотима қаерда-ю, бу малика қаерда? У ким бўптики, шундай бир катта тўйга келса!— дебди онасининг жаҳли чиқиб.— Бу ердигиларнинг айтишича, қизнинг бўйнидаги зебу зийнатлар фақат подшоҳ хазинасидагина бўлиши мумкин экан. Қизлар бундай зебу зийнатларга ҳали биронта одамзоднинг ҳам кўзи тушмаган, дейишяпти. Сен ўша ёққа кетган пайтингда ёнимдан ўтиб бораётган икки аёлнинг: «Бу қиз бизнинг мамлакат қизи эмас», деганини ўз қулоғим билан эшитдим.

Она-бола яна идиш-товоқ ювиш билан машғул бўлишибди.

Фотима тўйхонада энг чиройли қиз бўлгани учун келиннинг ёнида ўтиришни илтимос қилишибди. Келин Фотиманинг ёнидаги курсида ўтирганмиш-у, лекин ҳамманинг кўзи Фотимада эмиш. Даврада рақс тушаётган раққосалар ҳам келинга

нисбатан Фотиманинг атрофида кўпроқ айланишар, унинг устидан гул сочишар эмиш.

Фотима намозгар паллада, базми жамшид авжига чиққан бир пайтда даврадан чиқиб, қоматини сарвек тик тутиб, дарвоза томон равона бўлибди. Барча меҳмонлару мезбонлар, жамики мажлис аҳли қизни охирги марта кўриб қолиш учун унинг орқасидан ташқарига чиқишибди. Ҳамма олдинмакейин қиз билан хайрлашибди. Эгнига на хотинларникига, на эркаларникига ўхшайдиган кийим кийиб, юзига ниқоб тортган бир киши отнинг жилонидан ушлаб Фотимани эгарга миндирибди ва улар кўз очиб юмгунча худди парилардек одамлар назаридан ғойиб бўлишибди. От келиб, Фотималарнинг эшиги олдида тўхтабди. Қиз отдан тушибди, от эса осмонга учиб кетибди. Фотиманинг оёғи ерга тегиши билан бир оёғидаги кавуши тушиб қолганини сезибди. Оёқ ости ва ён атрофини қарабди. Топа олмагач, шошилиб уйга кирибди. Қараса, ҳовли юзи супурилган, сув сепилган, хоналар йиғиштирилган, озода, қозонда овқат буғ таратиб пишиб турганмиш. Идишлар худди ойнадек ярақлаб ювиб қўйилган эмиш. Бундан кўнгли чоғ бўлган Фотима онасининг арвоғига дуо ўқибди.

Бирон соатлардан сўнг Ойша билан онаси уйга қайтиб келишибди. Фотиманинг озодалиги эпчиллиги ва чаққонлигидан кўнгиллари тўлиб хурсандлик билан хоналарига кириб кетишибди ва тўй либосларини ечишибди.

Ойша Фотиманинг олдига келиб, тўйдаги тартиблардан, дастурхонга тортилган овқатлар ва келин тараф билан куёв томоннинг бир-бирларига кўрсатган иззат-икромларидан гапириб берибди, яна тўйга келган, ҳеч ким танимайдиган бир подшоҳ қизининг ҳуснию зебу зийнатларини хўп таърифлабди. Кейин:

— Эй Фотима, жин ургур, қанийди сен ҳам ўша тўйда бўлсанг, ана унда кўрардинг ўша қизнинг зебу зийнатларини. У қиз парилар шоҳининг қизи экан, ҳа, ҳа, парилар шоҳининг... Рост айтяпман. Унинг кўзлари сен жин ургурнинг кўзларингга озгина ўхшаркан. Тўй бизга жуда ёқди. Бечора тўй эгалари бизни жуда иззат қилишди. Онам иккови-